Ҳамиша сўйларди ўлим ҳақда у,

Ниҳоят тўхтади, уйида ажал.

Бас олди жонни, тайёр ҳолда у,

Орзу- умидларга боғланмаган гал.

Ҳали ҳам эсимда, мен кичкина гўдак эдим. Шамоллаб қолганим учун бир ҳафта касалхонада ётдим ва тузалиб чиқаётган вақтимда дўхтир отамга, “Ҳозирча унинг соғлиги яхши, лекин келажакда бу касалнинг таъсири бўлади”,- деб айтаётганини эшитиб қолдим.

Орадан кўп йиллар ўтди. Аввал йигит, кейин ота бўлдим. Баъзи вақтларда озгина ҳаракат қилсам, чарчоқ ва нафас сиқиши сезаман. Тўлиқ текширтириш учун касалхонага бордим. Маълум бўлдики, менинг юрак (клапанлари) қопқоқларимда касаллик бўлиб, юрагимни операция қилиш зарур экан. Ёшлигимда шамоллашдан пайдо бўлган бу касаллик юрак ревматизмига олиб келибди. Мен дўхтирни операция ўрнига даволанаман деб кўндиришга уриниб кўрдим. Лекин у менга: “Операцияга бўлган эҳтиёжингга бир неча ойдан кейин ўзинг аниқ ишонч ҳосил қиласан”,- деди.

Ҳақиқатда бир неча ойдан кейин бу касаллик туфайли ҳолсизланиб қолдим. Умумий текшириш ва ундан кейинги тайёрлаш тадбирларидан кейин Аллоҳнинг қазойи- қадарига рози бўлиб, ишимни Аллоҳга топширишга қарор қилдим. Операциядан бир кун олдин касалхонага ётдим. Ўша кундан

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

қариндошларим зиёрат қила бошладилар. Кўнглим тинч, хотиржам эдим. Мени операция қиладиган жарроҳ-дўхтир билан бир соатдан ошиқ ўтирдим. Операциядан олдинги кеча тинч ухладим. Умуман ҳеч нарса ҳақида ўйладим…

Тонг азони билан уйғондим.

Азонни эшитдим ва унинг садоси ичимда такрорланди.

Вужудим титраб кетди.

Ичимга ваҳима тушди, тинчлигим бузилди.

Менга нима бўляпти, ўзи?

Операция оғир, эҳтимол бу сенинг ҳаётдаги охирги кунингдир.

Эҳтимол бу сен эшитаётган охирги азондир…

Мени ҳар томондан ваҳима ўраб ола бошлади.

Ўтган умримда нималар қилдим?…

Бу савол кўзимдан шашқатор ёш оқизди.

Ўтган ҳаётим тушдек ўтиб кетди.

Нега мен Охират ҳақида ўйламадим?

Мана ўлим яқинлашиб қолди.

Ўзимга келиб қарасам ҳамшира тепамда турган экан.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

“Сизга нима бўлди?”.

Унга жавоб бермадим. Чунки менда унга берадиган жавобнинг ўзи йўқ эди.

Лекин у изтироб чекаётганимни ва ҳаяжонланаётганимни сезди.

Гўё у буни кутгандек, қўлида ухлатиш учун наркозли шприц тутиб турарди.

Қўлимни узатдим…

Мен юрагимни жарроҳга топшираётганимни билиб турардим.

Ҳозир юрагимни ёрадилар.

Бутун операция давомида юрагим уришдан тўхтайди.

Операция тугаши билан юрагимни жонлантириш учун электр заряди юборилади.

Жавоб бермаса иккинчи марта электр зарби такрорланади…

Ундан кейин елкаларда олиб кетиламан…

Мана шу тафсилотларнинг ҳаммасини билишим менга ҳаётни арзимас ва эътиборсиз эканини билдирди.

Умримни бекор ўткизиб юбордим. Энди нима бўлади?!

Укол олиб, бир неча лаҳзадан кейин ухлаб қолибман…

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

Кейин менга маълум бўлдики, жарроҳ юрагимни саккиз соат давомида тўтовсиз операция қилган. Юрагим биринчи электр зарбидаёқ уриб кетибди, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтдим.

Касалхонадан чиққанимдан кейин ҳар куни ўзимни ҳисоб-китоб қиладиган бўлдим. Мен ўлим тўшагида ётар эканман, кўзимдан шашқатор ёш оқизган ўша лаҳзани тез-тез эслайман.

Аллоҳга қандай рўбарў бўламан?...

Ва қайси амалим билан?...

Қачон ўша лаҳзани эсласам, тоатим ва Аллоҳга бўлган яқинлигим янада зиёда бўлади. Қачон ҳавойи нафсим мени бепарволик ва дангасаликка тортса, ўша воқеани эслайман. Иккинчи марта ҳаётга қайтганим учун Аллоҳга шукр қиламан!

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com